
Тадбиркорлар билан учрашув: муаммолар ечими мутасаддилар эътиборида

Бугун тумандаги Тадбиркорлар уйида Қува тумани ҳокими, прокурори, Давлат солиқ инспекцияси раҳбари ҳамда масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирокида тумандаги тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан қабул ўтказилди.

Қабулда иштирок этган 60 нафар тадбиркорлар банк кредити ҳамда субсидия олишга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги учун ер майдони ва бўш турган бино-иншоотлар ажратиб бериш, ишлаб чиқариш корхоналарида газ ва электр таъминотини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулот реализациясига ёрдамлашиш, шунингдек солиқ тўлаш бўйича енгилликлар тақдим этиш, кадастр ва эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва бошқа кўплаб масалаларда мурожаат қилдилар. Шунингдек, айрим идоралар томонидан жойларда тадбиркорлар фаолиятларига бўлаётган тўсиқлар билан боғлиқ масалалар ҳам кўтарилди.

Билдирилган муаммоларнинг 20 таси қабул чоғида ҳал этилди. Ҳал этилиши муддат талаб этувчи мурожаатлар бўйича тегишли мутасаддиларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

2023-02-09 19:16:27